

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Конунчилик палатасининг  
**ДЕПУТАТИ**

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй



**ДЕПУТАТ**  
Законодательной палаты  
Олий Мажлиса  
Республики Узбекистан

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№К103-47

«19 » ағрепъ 2018 й.г.

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари –  
Бош давлат санитария врачи  
**С.С.Сайдалиевга**

### **ДЕПУТАТ СҮРОВИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида худудни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан 2018 йил 23 март - 2 апрел кунлари ўрганишлар ўтказилди. Ўтказилаётган ўрганишлар давомида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасини ҳалқимиз ўзининг кундалик ҳаётида сезаётганлигини мамнуният билан эътироф этмоқда. Шу билан биргалиқда ўрганишлар жараёнида соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Ширин шаҳарда давлат санитария назоратини амалга оширувчи орган бўлган шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази жойлашган бинонинг томларидан сув ўтган, иситиш тизими ишламайди, хоналар таъмирталаб ҳолатда. Лабораторияларда жиҳозлар етишмайди, мавжудлари ҳам маънан эскирган. Хусусан ЭКТ манометр, ЭКТ термометр, термостатлар 1972 йилда ишлаб чиқарилган бўлса, микроскоб БИО, техник манометр, автоклав 1973 йилда ишлаб чиқарилган. Шу билан биргалиқда марказда иш жиҳозлари, мебеллар, музлатгич, совутгичлар ва компьютер техникалари етишмайди.

Бундан ташқари, лабораторияда айрим озуқа муҳитлари ва реактивлар етишмаслиги натижасида антибиотикка сезувчанликни, кўк йўталга микробиологик, бруцеллёзга, кўкрак сутига патоген стафилаккокка текширишлар амалга оширилмаяпти. Шунингдек, шаҳар ДСЭНМда пуллик хизмат йўлга кўйилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни 15-моддасига асосан, Сиздан мазкур масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилашингизни ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида 20 кунлик муддатда асослантирилган ёзма маълумот беришингизни сўраймиз.

  
**К.Эрназаров**